

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил “ 27 ” августдаги
28-сон қарорига
ИЛОВА

Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан, қишлоқ жойларида
кўрсатилган хизматларнинг статистик ҳисоби бўйича
услубий Низом

Мазкур услубий Низом хизматлар соҳасидаги статистик ҳисобни янада такомиллаштириш ҳамда янги хизмат турларини ҳисобга олган ҳолда хизматлар соҳаси бозорининг, қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматларни қўшган ҳолдаги ҳолати тўғрисидаги статистика маълумотларини шакллантириш тартибини белгилайди.

Ушбу услубий Низомнинг мақсади хизматлар соҳаси бўйича статистик кўрсаткичлар тизимини шакллантиришда халқаро даражада таққослашни таъминлашдан иборат.

Услубий Низомни ишлаб чиқишда, хизматлар соҳасидаги, электрон тижорат соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек, халқаро статистика ташкилотларининг тавсиялари, Миллий ҳисоблар тизими тавсифлари ва МДХ Статистика қўмитаси тавсияларидан фойдаланилди.

Мазкур услубий Низом давлат статистика органлари томонидан хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари кесимида хизматлар соҳаси бўйича статистик кўрсаткичларни шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

I. Умумий қоидалар

1.1. Хизматлар истеъмолчилар (юрidik ва жисмоний шахслар) ҳолатини ўзгартирувчи ёки товарлар, хизматлар ёки молиявий активлар билан айирбошлашига кўмаклашадиган ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаси ҳисобланади.

Хизматлар истеъмолчиларининг ҳолатга ўзгартириш юзасидан ишлаб чиқарувчиларга мурожаати натижасидаги ўзгаришлар қуйида келтирилган турли шаклларда бўлиши мумкин:

- истеъмол товарлари ҳолатига ўзгаришлар (транспортровка, тозалаш, таъмирлаш ёки ўзгаришнинг бошқа турлари);

- алоҳида шахсларнинг жисмоний ҳолатига ўзгаришлар (масалан, терапевтик ёки жарроҳлик муолажалари билан таъминлайди, ташқи кўринишни яхшилайти);

- алоҳида шахсларнинг интеллектуал ҳолатига ўзгаришлар (таълим, ахборотлар, маслаҳатлар, кўнгилочар ёки шунга ўхшаш хизматларни тақдим этади).

Ўзгаришлар вақтинчалик ёки доимий бўлиши мумкин.

1.2. Айирбошлаш бўйича операциялар билан боғлиқ хизматлар, бир институционал бирлик билимлар захирасига эга бўлган товарлар, маҳсулотлар, айрим хизматлар ёки молиявий активларга бўлган эгаллик ҳуқуқини бир институционал бирликдан бошқасига ўтказилишида ёрдам берган пайтда юзага келади.

Айирбошлаш билан боғлиқ хизматлар, улгуржи ва чакана савдо ҳамда молиявий муассасалар томонидан тақдим этилади.

Хизматнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, хизматни бажариш ва уни истеъмол қилиш даврининг бир хил вақтга тўғри келиши ҳисобланади.

1.3. Билимлар захирасига эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар, истеъмолчилар бир неча маротаба фойдаланиши мумкин бўлган, ахборотларни тақдим этиш, сақлаш ва тарқатиш, маслаҳатлар ва кўнгилочар ўйинлар, шу жумладан умумий ва махсус ахборотлар, янгиликлар, маслаҳатчиларнинг маърузалари, компьютер дастурлари, кинофильмлар, мусиқа ва бошқаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда иш олиб борадилар.

Ушбу хизматлар қаторига товарларнинг моддий хусусиятлари ҳам хос бўлиши мумкин (масалан, қоғоз ёки электрон шаклда).

1.4. Хизматлар олди-сотди объекти сифатида чиққанда ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (хизматларни ишлаб чиқарувчининг сарф-харажатларини тўлалигича ёки сезиларли даражада қоплайдиган) нархларда сотилганда, хизматлар бозор учун мўлжалланиб ишлаб чиқарилган ҳисобланади.

Нобозор ишлаб чиқарилган хизматларга, иқтисодий аҳамиятга эга бўлган нархлар мавжуд бўлмаган шароитларда (бепул асосда) истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар киради, улар ижтимоий йўналтирилган ҳисобланади ва ҳар қандай даражадаги бюджет маблағлари ёки бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, шунингдек, жамоат ташкилотлари жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланади. Масалан, нобозор хизматларга таълим, соғлиқни сақлаш, давлат бошқаруви, мудофаа ва бошқа соҳаларда бепул хизматлар киради.

II. Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматларнинг статистик ҳисоби ва уларнинг ҳажмини шакллантириш

2.1. Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми, бу хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланмайдиган барча хизматлар ишлаб чиқарувчилари (юримдик ва жисмоний шахслар) томонидан кўрсатилган бозор хизматлари қийматидир.

2.2. Маълум бир вақт давомида кўрсатилган хизматлар қийматини ўлчовчи “Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми” статистик кўрсаткичи, истеъмолчиларга (юримдик ва жисмоний шахслар, норезидентларни қўшган ҳолда) кўрсатилган хизматлар қийматини акс эттиради.

Истеъмолчилар томонидан хизматлар учун тўловлар нақд пул, пластик карточкалар ва пул ўтказиш, шу жумладан, электрон тўловлар ва электрон пуллар орқали амалга оширилиши мумкин.

Норезидентларга кўрсатилган хизматлар (агар тўлов сўмда амалга оширилмаган бўлса), хизматларга тўловларни амалга ошириш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан сўмнинг белгиланган курси бўйича қайта ҳисобланган, шартнома нархлари бўйича аниқланади.

Электрон тўловлар – техник воситалар, ахборот технологиялари ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари орқали нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш.

Электрон пуллар – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пуллар эмитентлари томонидан чиқариладиган пуллар бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида номланиши лозим.

2.3. Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажмида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича, қўшилган қиймат солиғи ва акцизсиз, ҳисобланган тўловлар ҳисобга олинади.

2.4. Фаолият турлари бўйича хизматларни таснифлаш, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичига (кейинги ўринларда МСТ деб аталади) мувофиқ амалга оширилади.

2.5. Бозор хизматлари ҳажми барча иқтисодий фаолият турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 27 августдаги 73-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичининг G, H, I, J, K, L, M, N, O, P, Q, R ва S секциялари кодларининг батафсил (кенгайтирилган) рўйхати”га мувофиқ шакллантирилади.

2.6. Кўрсатилган хизматларнинг ойлик ҳажми қуйидагиларга асосан шакллантирилади:

а) йирик тижорат корхоналари бўйича давлат статистика ҳисоботи;

б) кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини чораклик кузатув маълумотлари ҳамда кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона йиллик ҳисобот натижалари асосида фаолияти тугатилган корхоналар бўйича ҳисобланган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш;

в) фермер хўжаликлари ва нотижорат ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини тегишли давлат статистика ҳисоботлари маълумотларига асосан баҳолаш;

г) якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини ҳар чоракда ўтказиладиган танланма кузатув маълумотларининг натижалари бўйича баҳолаш.

Кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми тўғрисидаги маълумотларни шакллантириш схемаси услубий Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг чораклик танланма кузатувлари натижалари, кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона йиллик ҳисобот бўйича аниқлаштирилган маълумотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришда фойдаланилади.

2.7. Ҳисобот йили давомида тугатилган хизматлар соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини баҳолаш ушбу ташкилотларнинг ўтган йилда кўрсатган хизматлари ҳажми тўғрисидаги маълумотлари асосида амалга оширилади.

Ҳисобот йилида тугатилган кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг чораклик ҳажми қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$V_{ln} = (V_{lpr} / (V_{mpr} - V_{lpr})) * V_{mn}$$

- бу ерда, V_{ln} – ҳисобот йилининг n чорагида фаолияти тугатилган кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми;

- V_{lpr} – ҳисобот йилида фаолияти тугатилган кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ўтган йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми;

- V_{mpr} – ўтган йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми;

- V_{mn} – бутун тўпلامга жорий қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг n чорак учун ўтказилган танланма кузатув маълумотлари.

2.8. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг ойлик ҳажми чораклик танланма кузатувлари асосида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$V_{mtn} = V_{ln} / 3 + V_{mn} / 3$$

- бу ерда, V_{mtn} – тугатилган корхоналар ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, кичик корхона ва микрофирмаларнинг n чорак учун танланма кузатув маълумотлари бўйича ҳисобланган ўртача ойлик хизматлар ҳажми.

Тугатилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг чораклик кўрсатилган хизматлар ҳажмларини ҳисоблаш намунаси услубий Низомнинг 2-иловасида келтирилган.

2.9. Кичик корхона ва микрофирмаларнинг танланма кузатувлари чоракнинг охири ойида ўтказилиши муносабати билан, жорий чоракнинг танланма кузатув маълумотлари олингунга қадар кичик корхона ва микрофирмалар томонидан кўрсатилган хизматларнинг ўртача ойлик ҳажми қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$V_{mn} = (V_{mn-1} / 3) * K_c$$

- бу ерда, V_{mn-1} – тўғрилаш коэффициентини ҳисобга олган ҳолдаги жами тўпلامга жорий этилган олдинги чорак учун танланма кузатув маълумотлари;

- K_c – анкетага киритилган ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан иқтисодий ҳолатнинг “яхшиланиш”и ёки “ёмонлашиш”ишини баҳоловчи кўрсаткичлар асосида ҳисобланган тўғрилаш коэффициентини.

2.10. Тўғрилаш коэффициентини қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_c = \frac{\bar{I}_n}{100} * D_n$$

- бу ерда, D_n – яқин уч ойда яхшиланиш истиқболига эга бўлган кичик корхона ва микрофирмаларнинг улуши;

- \bar{I}_n – аввалги уч йил учун жорий чоракда кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ўтган чоракка нисбатан ўзгариш индексини ўртача миқдори (фоизларда) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\bar{I}_{n\text{ кв}} = \sqrt[3]{It_1 * It_2 * It_3}$$

- бу ерда, It_1, It_2, It_3 – аввалги уч йил учун кичик корхона ва микрофирмалар кўрсатган хизматлари ҳажмининг жорий чоракнинг ўтган чоракка нисбатан ўзгариш индекси.

Тўғрилаш коэффициентини ҳисоблаш намунаси услубий Низомнинг 3-иловасида келтирилган.

2.11. Чоракнинг охири ойида кўрсатилган хизматлар ҳажми қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$V_3 = (V_{ln} + V_{mn}) - V_1 - V_2$$

- V_3 – чоракнинг охири ойида кўрсатилган хизматлар ҳажми;

- V_1, V_2 – ҳисобот чорагининг биринчи ва иккинчи ойларида кўрсатилган хизматларнинг ҳисобланган ҳажми.

2.12. Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг ойлик ҳажмларини тақсимлаш ўтган йилдаги йиллик ҳисобот ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларининг чораклик танланма кузатуви маълумотларига асосан уларнинг кичик корхона ва микрофирмалар томонидан кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмларидаги улуши бўйича амалга оширилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмларини ҳисоблаш намунаси услубий Низомнинг 4-иловасида келтирилган.

2.13. Фермер хўжаликлари ва нотижорат ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматларнинг ойлик ҳажмлари ўтган йил учун аниқлаштирилган (йиллик) маълумотлар асосида уларнинг умумий хизматлар ҳажмидаги улушидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади.

2.14. Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар томонидан истеъмолчиларга кўрсатилган хизматлар ҳажми, ҳар чоракнинг охириги ойида мунтазам равишда ўтказиладиган танланма статистика кузатувлари натижалари асосида баҳоланади.

Танланма статистика кузатувини ўтказишдан мақсад, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми тўғрисида маълумотларни йиғиш ва олинган маълумотлардан ҳар бир ҳудуд ва республика бўйича хизматлар ҳажмини баҳолаш учун фойдаланиш ҳисобланади.

2.15. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини баҳолаш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ хизматлар соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, рўйхатдан ўтган (яъни рухсат берувчи ҳужжатларга эга бўлган) жисмоний шахслар сони тўғрисидаги солиқ органларининг маълумотларидан фойдаланилади.

2.16. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг хизматлари ҳажми ҳар бир хизмат тури бўйича қуйидаги формула ёрдамида баҳоланади:

$$V_{in} = V_{iz} + V_{io}$$

- бу ерда, V_{in} – якка тартибдаги тадбиркорларнинг кўрсатган хизматлари ҳажми.

Танланма кузатув маълумотлари асосида рухсат берувчи ҳужжатларга эга бўлган ва бўлмаган жисмоний шахслар сони аниқланади.

Рухсат берувчи ҳужжатларга эга бўлган (рўйхатдан ўтган) ва рухсат берувчи ҳужжатларга эга бўлмаган (рўйхатдан ўтмаган) жисмоний шахслар бўйича хизматлар ҳажмини баҳолаш тегишли равишда қуйидаги формулалар бўйича амалга оширилади:

$$V_{iz} = V_{siz} * L_{iz}$$

$$V_{io} = V_{sio} * L_{io}$$

- бу ерда, V_{iz} , V_{io} – солиқ органларида рўйхатдан ўтган ва ўтмаган якка тартибдаги тадбиркорларнинг кўрсатган хизматлари ҳажми;

- V_{siz} , V_{sio} – кузатув бўйича рухсат берувчи ҳужжатларга эга бўлган ва бўлмаган битта тадбиркорга тўғри келадиган ўртача хизматлар ҳажми;

- L_{iz} , L_{io} – рухсат берувчи ҳужжатларига эга бўлган ва бўлмаган жисмоний шахслар сони.

L_f – ҳисобот даврида хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи жами жисмоний шахслар сони.

$$L_f = \frac{L_{iz}}{W_{iz}} * 100\%$$

W_{iz} – солиқ органлари маълумотлари бўйича ҳисобот даврида рўйхатдан ўтган жисмоний шахсларнинг улуши.

$$L_{io} = L_f - L_{iz}$$

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахслар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми ва хизмат кўрсатувчи жисмоний шахслар сонини ҳисоблаш (танланма кузатув маълумотлари бўйича) намунаси услубий Низомнинг 5-илоvasида келтирилган.

2.17. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар умумий ҳажми хизмат (фаолият) турлари бўйича маълумотларнинг йиғиндиси сифатида аниқланади.

2.18. Кўрсатилган хизматлар ҳажми тўғрисида аниқлаштирилган маълумотлар йилда бир марта йирик тижорат корхоналари, нотижорат ташкилотлар, кишлок хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликларини қўшган ҳолда кичик корхоналар ва микрофирмалар бўйича ҳисобот йилида давлат статистика ҳисоботлари маълумотлари ҳамда ҳисобот даврида тугатилганлар, кичик тадбиркорлик субъектларининг хизматлар соҳасидаги фаолиятини ва хизмат кўрсатувчи жисмоний шахслар фаолиятини баҳолаш асосида шакллантирилади.

2.19. Туманлар кесимида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, худудларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, худудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида шакллантирилади (2.19 банди Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 30 мартдаги 5-сонли қарорига мувофиқ тўлдирилди).

2.20. Кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми ҳар чоракда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман ва шаҳарлари кесимида шакллантирилади (2.20 банди Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 30 мартдаги 5-сонли қарорига мувофиқ тўлдирилди).

2.21. Туман ва шаҳарлар кесимида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми куйидагилар асосида шакллантирилади:

а) мос давр учун йирик тижорат корхоналари бўйича давлат статистика ҳисоботлари;

б) кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини чораклик кузатув маълумотлари ҳамда кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона йиллик ҳисобот натижалари асосида фаолияти тугатилган корхоналар бўйича ҳисобланган ҳажмларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш;

в) фермер хўжаликлари ва нотижорат ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини тегишли давлат статистика ҳисоботлари маълумотларига асосан баҳолаш;

г) якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини ҳар чоракда ўтказиладиган танланма кузатув маълумотларининг натижалари бўйича баҳолаш.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг чораклик ҳажмларини тақсимлаш ўтган йилдаги йиллик ҳисобот ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларининг чораклик танланма кузатуви маълумотларига асосан уларнинг кичик корхона ва микрофирмалар томонидан кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмларидаги улуши бўйича амалга оширилади.

Фермер хўжаликлари ва нотижорат ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматларнинг чораклик ҳажмлари ўтган йил учун аниқлаштирилган (йиллик) маълумотлар асосида уларнинг умумий хизматлар ҳажмидаги улушидан келиб чиққан ҳолда баҳоланади (2.21 банди Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 30 мартдаги 5-сонли қарорига мувофиқ тўлдирилди).

2.22. Айрим турдаги хизматлар учун туман ва шаҳарлар кесимида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмини шакллантириш мумкин бўлмаган ҳолларда, Демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман ва шаҳарлари кесимида ўртача доимий аҳоли сони), Статистик регистрларни юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш бошқармаси (мос давр учун фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони), шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларнинг маъмурий манба маълумотларидан ҳажми ҳисоблашда фойдаланилади (2.22 банди Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 30 мартдаги 5-сонли қарорига мувофиқ тўлдирилди).

Ш. Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми индексини жорий ва таққослама нархларда аниқлаш

3.1. Физик ҳажми индексини ҳисоблаш учун ахборот манбаи бўлиб, ташкилотлар (юридик шахслар) томонидан тақдим этилган давлат статистика ҳисоботларининг бирламчи статистик маълумотлари, шунингдек, хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг танланма кузатувидан олинган экстраполяция қилинган бирламчи статистик маълумотларидир.

Хизматлар ҳажми динамикасини таҳлил қилиш тизимида индекс усули асосий усул ҳисобланади.

Хизматлар ҳажми динамикасини аниқлаш учун иккита индекс қўлланилади:

- хизматларнинг қиймат ҳажми индекси (жорий нархларда);
- хизматларнинг физик ҳажми индекси (таққослама нархларда).

3.2. Жорий нархларда хизматларнинг қиймат ҳажми индекси, ҳисобот давридаги (ёки таққосланаётган бошқа даврдаги) хизматлар ҳажми йиғиндисини базис давридаги хизматлар ҳажми йиғиндисига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$I_{vt} = \frac{V_{on}}{V_{bn}} * 100$$

- бу ерда, I_{vt} – жорий нархларда хизматларнинг қиймат ҳажми индекси;

- V_{on} – ҳисобот даврида кўрсатилган хизматлар ҳажми йиғиндиси;
- V_{bn} – базис даврида кўрсатилган хизматлар ҳажми йиғиндиси.

Жорий нархларда хизматларнинг қиймат ҳажми индекси, хизматлар ҳажмини иккита омил ҳисобига ўзгаришини ифодалайди – нархлар ўзгариши ва кўрсатилган хизматлар миқдорининг ўзгариши.

3.3. Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми ўзгаришининг миқдорий хусусиятларини хизматларнинг физик ҳажми индекси кўрсатиб беради.

Хизматларнинг физик ҳажми индексини ҳисоблаш учун, ҳисобот ва базис даврларининг таққослама нархлардаги хизматлар ҳажмлари солиштирилади (одатда базис даврдаги нархлар бўйича).

Ҳисобот даврининг таққослама нархлардаги хизматлар ҳажми базис даври нархларида қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$V_{os} = \frac{V_{on}}{I} * 100$$

- бу ерда, V_{os} – ҳисобот даврининг таққослама нархлардаги хизматлар ҳажми йиғиндиси;

- I – хизматлар бўйича нарх ва тарифлар индекси.

Умумий хизматлар ҳажмини базис даври нархлари бўйича қайта ҳисоблаш учун, хизматларнинг алоҳида турлари бўйича нархлар ва тарифлар индексларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган хизматларнинг нарх ва тарифлар йиғма индексидан (дефлятор) фойдаланилади.

3.4. Хизматларнинг ҳар ойлик физик ҳажми индексларини ҳисоблашда, йил бошидан маълум давр учун ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан алоҳида хизмат турларига нархлар ва тарифлар индексларидан фойдаланилади.

Жорий ва таққослама нархлардаги ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажми индексини ҳисоблаш намунаси услубий Низомнинг б-иловасида келтирилган.

IV. Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматларнинг статистик ҳисобини юртишнинг маълумотлар манбаи

4.1. Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматлар ҳажмининг жами ҳажми қуйидагилар асосида шаклланади:

а) ойлик маълумотлар:

- **12-korxonа shakli** “Ташкилот фаолияти тўғрисида ҳисобот” - тижорат ташкилоти бўлган юридик шахслар (кичик корхоналар, микрофирма ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан ташқари), тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсларнинг алоҳида бўлинмалари ва нотижорат ташкилотлар тақдим этадилар (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича);

- **12-korxonа (xizmat)** (12-korxonа shakliga ilova) “Худудий алоҳида бўлинмаларга эга бўлган юридик шахслар томонидан кўрсатилган хизматлар тўғрисида ҳисобот” - юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатувчи худудий алоҳида бўлинмаларга эга бўлган

тижорат ташкилотлари (кичик корхоналар, микрофирма ва қишлоқ хўжалиги ташкилотларидан ташқари) ҳамда нотижорат ташкилотлар тақдим этадилар (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича)

б) чораклик маълумотлар:

- кичик тадбиркорлик субъектларининг кузатув натижалари:

- **4-kb savolnoma** “Микрофирма ва кичик корхонанинг фаолияти тўғрисида саволнома” - микрофирма ва кичик корхоналар саволномада иштирок этадилар - (Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланган рўйхат бўйича);

- **4-xizmat (jsh)** “Бозор хизматларини кўрсатувчи жисмоний шахслар бўйича сўровнома” статистик сўровномаси бўйича танланма кузатув натижаларини баҳолаш - кузатиладиган бирлик хизмат кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобланади;

- **4-tr (yat)** “Шахсий автотранспорт эгаларининг ташиш фаолияти тўғрисида сўровнома” статистик сўровномаси бўйича танланма кузатув натижаларини баҳолаш - кузатиладиган бирлик ташиш фаолияти билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобланади;

в) йиллик маълумотлар:

- **1-xizmat shakli** “Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар тўғрисида ҳисобот” - юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатувчи юридик шахслар тақдим этадилар (кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари ва нотижорат ташкилотлардан ташқари);

- **1-kb shakli** “Микрофирма ва кичик корхонанинг ҳисоботи” - микрофирма ва кичик корхоналар тақдим этадилар;

- **1-notijorat shakli** “Нотижорат ташкилотнинг фаолияти тўғрисида ҳисобот” - нотижорат ташкилотлар тақдим этадилар (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (УЖМШ) дан ташқари);

- **1-nnt shakli** “Нодавлат нотижорат ташкилотнинг фаолияти тўғрисида ҳисобот” - ташкилий-ҳуқуқий шакли, жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, муассаса, уюшма (иттифок) бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар, халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тақдим этадилар;

- **1-fx shakli** “Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот” - фермер хўжаликлари тақдим этадилар;

- **1-kom (shirkat) shakli** “Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти тўғрисида ҳисобот” - кўп квартиралли уйларни бошқарувчи юридик шахслар тақдим этадилар.

V. Статистик ҳисоботларда акс эттирилган ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар кўрсаткичларини таҳлил қилиш

5.1. Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматларнинг умумий ҳажми барча турдаги корхоналар ва ташкилотларнинг ҳисобот ва танланма кузатувлари асосида шаклланади.

5.2. Корхоналарнинг статистик кузатувларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги

274-сон қарорига мувофиқ тизимли ва доимий янгилаб бориладиган Корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистри асос бўлиб хизмат қилади.

5.3. Йиллик маълумотларни шакллантиришда, “январь-декабрь” ҳисобот даври учун **12-korxonа shakli** ва **12-korxonа (xizmat)** (12-korxonа shakliga ilova) ойлик статистик ҳисоботлари асосида олинган тезкор маълумотлар тегишли йил учун **1-xizmat shakli** йиллик статистик ҳисобот маълумотлари билан таққосланади.

5.4. **1-xizmat shakli** йиллик статистик ҳисоботида акс эттирилган айрим хизмат турлари ҳажмининг кўрсаткичлари “январь-декабрь” ҳисобот даври учун **4-aloqa shakli** “Алоқа воситалари ва хизматлари тўғрисида ҳисобот” шакли бўйича чораклик ҳисоботида алоқа хизматлари ва **1-avto shakli** “Автомобиль транспорти ва хўжалик автомобиль йўллари узунлиги тўғрисида ҳисобот”, **1-temir yo'l (umumfoydalanadigan) shakli** “Умумий фойдаланишдаги темир йўл транспорти хизматлари тўғрисида ҳисобот”, **1-havo yo'llari shakli** “Умумий фойдаланишдаги ҳаво транспорти хизматлари тўғрисида ҳисобот”, **1-quvur yo'li shakli** “Қувур йўли транспорти хизматлари тўғрисида ҳисобот” шакллари бўйича йиллик ҳисоботларда транспорт турлари бўйича транспорт хизматлари акс эттирилган маълумотлар билан таққосланади.

5.5. Якка тартибдаги тадбиркорлар тўғрисидаги маълумотларнинг муҳим манбаи солиқ органларининг маъмурий маълумотлари ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг танланма кузатувидан олинган маълумотларнинг ишончлилиги ва объективлигини текшириш мақсадида бошқа статистик маълумотлар, яъни уй хўжаликларининг кузатуви, тармоқ статистикасининг кузатувлари ва ҳ.к. билан таққосланиши керак.

Кузатув даврида жамланма маълумотларнинг ўзгаришини таққослаш учун минтақалар (туманлар) ўртасида кузатув натижаларидан фойдаланиш зарур.

VI. Мавсумий ўзгаришларни ўтказиш усули

6.1. Мавсумийлик даражасига мослаштирилган кўрсаткичлар статистик кузатувлар учун стандарт восита бўлиб, асосий кўрсаткичлар билан биргаликда ишлаб чиқилади. Улар ижтимоий-иқтисодий жараёнлар моделлари ва тенденцияларини аниқлаш ҳамда ўлчашга, ушбу жараёнларда юз берадиган ўзгаришларни ўз вақтида аниқлашга имкон беради.

Мавсумий ўзгаришларни ўтказиш учун TRAMO/SEATS усули ёрдамида Европа статистика тизими экспертларининг раҳбарлиги остида ишлаб чиқилган «Demetra+» дастурий таъминотидан фойдаланилади.

Мавсумий ўзгариш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

- дастлабки шароитларни баҳолаш;
- мавсумий ўзгариш;
- натижаларни таҳлил қилиш;
- фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш.

6.2. Мавсумий ўзгариш, дастлабки маълумотларни баҳолаш ва «Demetra+» дастурида ишлаш учун маълумотларни белгиланган форматга ўтказилиши билан бошланади. Даврий қаторларнинг сифати бирламчи маълумотларнинг тўғрилигига ва ҳисобланган кўрсаткичларни аниқлаш услубияти белгиланган мезонларга мувофиқлигига боғлиқ.

6.3. Дискрет чораклик даврий қаторларни тузишда камида тўрт йиллик кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади. Ҳисоблашда дискрет чоракда ўтган йилнинг тўртинчи чорагига нисбатан кўрсатилган хизматлар ҳажмини ўзгариш индексидан фойдаланиш керак.

Мавсумий ўзгаришларнинг мақсади даврий қаторлардан мавсумий ўзгаришларни ажратиб олишдан иборат бўлиб, бошланғич маълумотларида мавсумийликни мавжудлиги муҳимдир.

6.4. Тақвим эффектлари календар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай иқтисодий ходисалар бўлиб, улар даврий қаторларнинг мавсумий ўзгаришини бажаришдан олдин олиб ташланади. Кабиса йилининг эффекти, турли хил иш кунлари, кўчириладиган байрамлар муайян вақт давомида иш фаолияти даражасига таъсир қилади.

6.5. Дастурий таъминотда "Тақвим" модулининг мавжудлиги барча байрамлар, кўчириладиган иш ва дам олиш кунлари ҳисобга олинган календар яратиш имконини беради.

Дастурда ишлаш учун ўзгартириладиган кўрсаткичларни "Excel" файли кўринишида тайёрлаш керак. Вертикал равишда тузилган "Excel" файли формати қуйидагича бўлиши керак:

- барча варақларда А1 ячейкаси бўш бўлиши ва А устунда кузатувларнинг асос қилиб олинган саналари қайд этилиши керак;

- биринчи қатор, яъни В1, С1 ва бошқа ячейкалар маълум бир қатор номини ўз ичига олиши керак; варақнинг ичида ҳар бир қаторнинг номи ноёб бўлиши керак; қаторлар номланишидан кейинги ячейкалар даврий қаторларни ўз ичига олади;

- ўтказиб юборилган маълумотлар бўш ячейка билан белгиланади.

6.6. «Demetra+» дастурий таъминоти файлдаги қаторларни варақнинг номи ва ҳар бир қатор номидан белгилайди.

TRAMO/SEATS усули ёрдамида қаторларни асосий таркибий қисмларга бўлиш мумкин: мавсумий, тренд-цикли, номунтазам, шунингдек, оралиқ таркибий қисмлар. Ушбу таркибий қисмлар кўшиш ёки кўпайтириш орқали бошланғич қаторга бирлаштирилади. Таркибий қисмларни аниқлаб бўлгач, мавсумий ўзгариш мавсумий компонентни манба маълумотларидан ўчириб ташлаб, мавсумий ўзгариш қаторларини ҳосил қилади.

6.7. Мавсумий компонент ўз ичига мавсумий ва календар эффектларни олади. Компонентнинг муддати, йўналиши ва амплитудаси асосан барқарордир.

Номунтазам компонент бу – манба маълумотларидан мавсумий ва тренд-цикл компонентларини олиб ташлангандан кейин қолган таркибий қисмдир. Бундан ташқари, ҳар доим тасодифий бўлмаган хатолар ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Оралиқ компоненти қисқа муддатли (оралиқ) ўзгаришлар билан ифодаланади. Таркибий қисмлар баҳолангандан сўнг номунтазам ва оралиқ таркибий қисмларни кўшиш мумкин.

6.8. Тренд – циклли компонент узок муддатли ҳамда ўрта муддатли ўзгаришларни ўз ичига олади. Бу икки ўзгаришлардан тренд узок муддатли, яъни бир неча ўн йиллардаги таркибий ўзгаришлар қаторларнинг яширин даражасини ифодалайди ва одатда инфляция, технологик ўзгариш ёки умумий иқтисодий ривожланиш натижасидир. Бошқа тарафдан, цикл компоненти, узок муддатли тренд атрофида нисбатан текис ўзгаришлар билан тавсифланади.

6.9. Тақвимий ўзгартиришнинг мақсади кун, (иш ва дам олиш кунлари сони) ой ёки чоракнинг давомийлиги ва таркибидан қатъий назар мавсумий ўзгартирилган қаторларни олишдир.

Тақвим компоненти даврдан то давргача бўлган турли хил календар белгилар билан боғлиқ эффектларни ўз ичига олади. Тақвим эффектлари мавсумий ва номавсумийга бўлинади. “Номавсумий” қисми тақвим компонентига киритилади ва алоҳида кўриб чиқилади, “мавсумий” қисм мавсумий компонентда ҳисобга олинади. Фойдаланган календар эффектлари операцион ёки иш куни эффектларини ўз ичига олади.

6.10. Операцион куннинг эффекти чоракда ҳафтанинг ҳар бир кунини муайян чорак давомида ҳафта ичидаги стандарт таркиби билан қиёслади. Иш кунининг таъсири чоракда иш кунлари ва дам олиш кунлари ўртасидаги фарқни ўз ичига олади.

6.11. Байрамлар иш кунлари ҳисобланмайди. Дам олиш кунлари сони байрамлар сонига қараб кўпаяди ва иш кунлари сони мос равишда камаяди.

Иш кунларининг таъсири иш кунларининг гуруҳини (душанбадан жумагача) тенглама орқали таққослайдиган ягона регрессор томонидан тутилади:

Иш кунлари = ҳафтанинг кунлар сони - дам олиш кунлари сони

$5/2$ омили иш кунларининг регрессини етти кунлик ҳафтанинг стандарт таркибида нолга тенглаштиради. Ҳафтанинг стандарт ҳафтасидан бошлаб, агар иш куни нолдан катта бўлса, регрессорда акс этади, бу эса стандарт ҳафтага қараганда бир ойда ёки чоракда кўпроқ t иш куни борлигини билдиради.

6.12. Ҳаракатланувчи байрамларнинг таъсири йилдан-йилга ўзгариб турадиган мамлакатда диний ёки маданий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар билан боғлиқ.

6.13. Кабиса йилининг самараси февраль ойида кўшимча бир кунни ҳисобга олади, бу эса, тўрт йиллик циклни кабиса йили биринчи чорагининг юқори нуқтаси билан юзага келтиради (агар кабиса йилининг февраль ойи бўлса, у ҳолда “0,75” бўлади, акс ҳолда “-0,25”, кабиса йили бўлмаган йилларда февраль ойи “0”га тенг). Кабиса йилининг регрессори тўрт йил мобайнида кабиса йили февраль ойининг юқори нуқтаси билан тўрт

йиллик детерминистик циклни ифодалайди, кабиса йили самараси келгусида кабиса йили бўлмаган йилларда салбий самаралар билан тўлиқ қопланади.

6.14. Мавсумий ўзгаришларни мақсадлари учун TRAMO дастлабки даврий каторларнинг маълумотларини ўзгартиришда SEATSдан фойдаланилади.

TRAMO фойдаланадиган математик формула:

$$Y_t = \beta * X_t + Z_t,$$

- бу ерда, Y_t - мавсумийликдаги хатолар;

- β - коэффициент (тизим томонидан автоматик равишда аниқланади);

- X_t - календар эффекти ва чиқариб юборилган кўрсаткичларни ўз ичига олган боғлиқ бўлмаган ўзгарувчилар;

- Z_t - кўрсаткичлар - тизим автоматик равишда танлайди.

6.15. Мавсумий-тўғриланган маълумотларнинг тақдими фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига боғлиқ. Дастлабки босқичда, нашрда асл (бошланғич) ва мавсумий-тўғриланган маълумотлар бир вақтнинг ўзида матн ва жадвал кўринишида кўрсатилади.

6.16. Мавсумий ўзгартирилган маълумотларни биринчи марта кўриб чиқиладиган санаси календар йилининг бошида, ўзгартирилмаган маълумотларни қайта кўриб чиқилишидан камида уч йил олдин белгиланади. Ушбу сана шаффофлик сабабли тўрт йилгача муддатга ўрнатилади. Олдинги даврлар учун мавсумий омиллар музлатилиб қўйилади.

VII. Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар статистик ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари

7.1. Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматларнинг статистик ҳисоби умумий хизматлар ҳажмида устунликка эга бўлган хизмат турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 27 августдаги 73-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичининг G, H, I, J, K, L, M, N, O, P, Q, R ва S секциялари кодларининг батафсил (кенгайтирилган) рўйхати”га мувофиқ амалга оширилади.

Хизматларнинг умумий ҳажмида устун бўлган иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар рўйхати 7-иловада келтирилган.

7.2. Амалдаги нархларда **алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини** ишлаб чиқариш мазкур соҳада хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг даромадлари (сотишдан тушган тушум миқдори) йиғиндиси сифатида аниқланади.

7.3. **Молиявий хизматлар** Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотлари томонидан кўрсатилади. Бу гуруҳ хизматларга банкларнинг молиявий воситачилиги хизматлари (молиявий лизинг, кредит бериш), шу жумладан,

масофавий банк хизматлари (Интернет-банкинг, мобил-банкинг), инвестиция фондлари ва бошқа молиявий ташкилотларнинг молиявий воситачилиги, молия бозорлари (фонд ва валюта биржалари) фаолиятининг ёрдамчи молиявий воситачилик хизматлари ва бошқа молиявий хизматлар киради.

Амалдаги нархларда молиявий хизматларнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми, молиявий воситачилик ҳисобидан олинган фоизли даромадлар ҳажми (хизматлар учун белгиланган тўловлар миқдоридан) ҳисобга олинади. Чет эл валютасида келиб тушадиган фоизли даромадлар ҳисобот давридаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли курси бўйича ҳисоб-китоб қилинади ва сўмда акс эттирилади.

Суғурта ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган суғурта хизматлари ҳажми тўғридан-тўғри суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тушумини ҳамда қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган шартномалар бўйича суғурта мукофотларини ўз ичига олади. Бунда суғурталовчиларга қайта суғурта қилиш учун берилган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари чиқариб ташланади.

7.4. Амалдаги нархларда **транспорт хизматларининг** ялпи ишлаб чиқариш ҳажми транспорт турлари бўйича транспорт жараёнига (юкларни тушириш ва юклаш ишлари, транспорт-экспедиторлик хизматлари, транспорт хизмати ва бошқалар) бевосита боғлиқ бўлган ташиш ва бошқа фаолиятдан олинган даромад суммаси сифатида аниқланади.

Транспорт хизматлари умумий ҳажмида почта ва курьерлик фаолияти бўйича ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ҳисобга олинади.

Қувур транспорти соҳаси фаолияти бўйича асосий фаолиятдан хизматлар ҳажмига қувур орқали қуйилган нефть ва газ маҳсулотларининг қиймати қўшилмайди.

Худудлар бўйича транспорт ялпи ишлаб чиқарилган ҳажми темир йўл, ҳаво ва қувур транспортида ташиш хизматларининг ҳажмини тақсимлашнинг имкони йўқлиги сабабли фақатгина автомобиль транспорти бўйича аниқланади.

Йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт ташкилотлари хизматлари ҳажми йўловчи ташиш бўйича кўрсатилган хизматларда имтиёзли карталар ва жетонлар бўйича олинган даромадларни ҳам ўз ичига олади. Кўрсатилган хизматларнинг қийматини тўлиқ акс эттириш учун хизматлар ҳажмида Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифаларига бериладиган имтиёزلарни қоплаш учун харажатлар миқдори ҳам (ҚҚС, акциз ва шунга ўхшаш мажбурий тўловларсиз) ҳисобга олинади.

Автомобиль ташувлари фаолияти соҳасида ташкилотнинг ўз эҳтиёжлари учун бажарилган юк ташувларининг (масалан, ўз маҳсулотларини ўзининг чакана савдо тармоғига етказиш, ички хўжалик, завод ичи, объект ичида ва шунга ўхшаш юк ташувлари) қиймати акс эттирилмайди.

7.5. **Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар** кўрсатиш соҳасида қуйидагилар акс эттирилади:

- қисқа муддатли турар жой билан таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар (меҳмонхоналар, отеллар, мотеллар ва ҳ.к.) томонидан кўрсатилган хизматларнинг қиймати;

- озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиб бериш бўйича қўйилган устамадан ташқари овқат тайёрлашда ишлатилган ва қайта ишланмаган ҳолда сотилган маҳсулотлар қийматини ўз ичига олувчи айланма қиймати.

7.6. Савдо хизматлари, шу жумладан, электрон савдо хизматларининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархлардаги ялпи даромад қиймати, яъни сотилган товарларнинг сотиб олиш ва сотиш нархлари орасидаги фарқининг умумий қиймати сифатида ҳисобга олинади. Агар товарлар бошқа шахс манфаатлари учун олди-сотди шартномалар, комиссиялар ёки агентлик шартномалари асосида сотилган тақдирда хизматлар қиймати мукофот миқдори сифатида акс эттирилади.

Моторли транспорт воситалари ва мотоциклларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш хизматлари қиймати хизматлар кўрсатишдан тушган тушум миқдорида белгиланади.

7.7. Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларни кўрсатишда кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар бўйича хизматлар қиймати, корxonанинг шахсий, хўжалик юритиш ёки тезкор бошқарувидаги, шунингдек, ижарага олинган кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлари, ушбу фаолият ташкилотнинг асосий фаолияти ёки йўқлигидан қатъий назар акс эттирилади.

Уй-жой фондидан фойдаланиш ва сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми – молиялаштириш манбаларидан қатъий назар уй-жой фондидан фойдаланиш, сақлаш ва жорий таъмирлаш бўйича кўрсатилган хизматларнинг қиймати (яшаш ҳудудларидан, масалан, умумий ётоқхоналардан фойдаланганлик учун тўлов суммаларини ҳам қўшган ҳолда).

7.8. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолиятни амалга оширишда кўрсатилган бозор хизматлари, жумладан, масофавий таълим ва электрон шаклда соғлиқни сақлаш хизматларини кўрсатиш қиймати акс эттирилади.

7.9. Ижара хизматлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми машиналар ва асбоб-ускуналарни операторларсиз ижарага бериш, маиший жиҳозлар ва шахсий эҳтиёж буюмларини ижарага беришдан олинган даромад миқдори сифатида аниқланади.

7.10. Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар ҳажми шартномада назарда тутилган талабларга мувофиқ лойиҳалар, изланишлар, конструкторлик ва технологик ишлар ва кўрсатилган хизматлар, шунингдек, қурилиш ишлари устидан назорат ва бошқа инженерлик хизматларининг қийматини ўз ичига олади.

VIII. Қишлоқ жойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматларни аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари

8.1. Шаҳар ва қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича статистик маълумотларни шакллантиришда, статистика органлари томонидан, “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шаҳарлар, шаҳарчалар, овулларни тузиш, тугатиш, чегараларини ўзгартириш, шунингдек аҳоли пунктларини шаҳарлар ва шаҳарчалар туркумига киритиш масалалари бўйича давлат ҳокимияти органларининг эълон қилинган қарорларидан фойдаланилади.

8.2. Ушбу услубий Низомнинг 30-бандида кўрсатилган хизматлардан ташқари барча хизмат турлари, хизмат кўрсатувчи объектларнинг жойлашган жойи бўйича аниқланади.

Республика, вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар, шунингдек, шаҳарчаларда жойлашган стационар объектлар томонидан кўрсатилган хизматлар шаҳар жойларига тегишли хизматлар ҳисобланади, овуллар, қишлоқлар, қишлоқ маҳаллалари, қишлоқ жойларидаги яқка тартибдаги қурилишлар асосида барпо этилаётган массивларда ва шу каби жойларда жойлашган объектлар томонидан кўрсатилган хизматлар – қишлоқ жойларига тегишли ҳисобланади.

8.3. Қишлоқ жойларида кўрсатилган автомобиль транспорти, алоқа, савдо хизматлари ҳажмлари тўғрисида тўлиқ ва сифатли маълумотларни шакллантириш учун қуйидаги тушунчалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Қишлоқ жойларидаги автомобиль транспорти хизматлари бу – шаҳарлар ва шаҳарчалардан қишлоқ ва овуллар ҳудудига қатновчи транспорт воситалари томонидан юклар ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар ҳажми бўлиб, улар қишлоқ жойларида амалга оширилган хизматлар ҳажмига кўшилади.

Қишлоқ жойларидаги автомобиль транспорти хизматлари шаҳар атрофи ва шаҳарлараро қатновлар бўйича юклар ва йўловчиларни ташишни ўз ичига олади:

- шаҳар атрофи ташувларига, шаҳар ва шаҳарчалар чегаралари ҳудудидан эллик километр масофагача узоқликка амалга ошириладиган ташувлар киради;

- шаҳарлараро ташувларга, шаҳар ва шаҳарчалар чегаралари ҳудудидан эллик километрдан кўпроқ масофага ҳамда босиб ўтиладиган йўлнинг узунлигидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг икки ва ундан ортиқ вилоятлари ҳудудида амалга ошириладиган ташувлар киради.

Қишлоқ жойларидаги алоқа хизматлари, телекоммуникация хизматларидан фойдаланувчи абонентнинг почта манзили бўйича аниқланади.

Абонент бу – оператор ёки провайдер билан телекоммуникация хизматларини (мобил ва телефон алоқаси, маълумотлар узатиш тармоғи ва бошқалар) кўрсатиш бўйича шартнома тузган жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланади.


Шаҳар жойларда жойлашган, лекин қишлоқ жойларида савдо объектларига эга бўлган савдо ташкилотлари хизматлари ушбу савдо объектлари бўйича алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги "Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4742-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги "Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4752-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги "Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги 4702-сон қарори *(3 банди Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 30 мартдаги 5-сонли қарорига мувофиқ тўлдирилди)*.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги "Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 6-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 октябрдаги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги "Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги 6-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги 850-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи (МСТ), "Ўзстандарт" Агентлигининг 19.01.2015 й. 05-612-сон қарори билан тасдиқланган ва жорий этилган, Тошкент 2015 й.
6. Маҳсулотларнинг (товарлар ва хизматларнинг) модель статистик таснифлагичига тушунтиришлар (МСТ-2), МДХ статистика қўмитаси, М., 2013 й.
7. Миллий ҳисоблар тизмим 2008/КЕС, ХВФ, ИХРТ, БМТ, ЖБ/Нью-Йорк 2009 й.
8. Хизматлар соҳаси учун ишлаб чиқарувчилар нарх индексини тайёрлаш бўйича услубий қўлланма, Евростат-ИХРТ, 2014 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 29 июндаги 9-сон қарори билан тасдиқланган "Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш усулида ҳисоблаш бўйича услубий низом".
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 20 июндаги 6-сон қарори билан тасдиқланган "Кичик тадбиркорлик субъектларини танланма кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий низом".

Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан, қишлоқ жойларида кўрсатилган
хизматларнинг статистик ҳисоби бўйича услубий низомга 1-ИЛОВА

Кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмини ташкил этилиш тўғрисидаги схемаси



Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан, қишлоқ
 жойларида кўрсатилган хизматларнинг статистик ҳисоби
 бўйича услубий низомга
 2-ИЛОВА

**Фаолияти тугатилган кичик корхона ва микрофирмалар
 томонидан кўрсатилган хизматларнинг чораклик ҳажмларини ҳисоблаш намунаси**

Шартли мисол

	Амалдаги нархларда кўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд. сўм
V_{pp} – жорий йил фаолияти тугатилган кичик тадбиркорлик субъектларининг ўтган йил учун кўрсатган хизматлари ҳажми	328,5
V_{mpr} - ўтган йили кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми	14 470,4
V_{mn} - жами тўпламга жорий этилган 4-кв саволнома шаклини n чоракдаги танланма кузатув маълумотлари	2 320,8
V_{ln} – жорий йил n-чоракда фаолияти тугатилган кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми	$53,9 = [328,5 : (14 470,4 - 328,5)] \times 2 320,8$

Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан, қишлоқ
 жойларида кўрсатилган хизматларнинг статистик ҳисоби
 бўйича услубий низомга
 3-ИЛОВА

**Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан кўрсатилган
 хизматлар ҳажмини аниқлашда тўғрилаш коэффициентини ҳисоблашнинг шартли намунаси**

	Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан кўрсатилган хизматларнинг чораклик ҳажмини олдинги чоракка нисбатан ўзгариши				Жорий йилнинг олдинги чорагига нисбатан 4-кв саволнома шаклида хизмат кўрсатган кичик корхона ва микрофирмалар сони		Яқин уч ойда фаолияти яхшиланиш истикболига эга бўлган кичик корхона ва микрофирмалар улуши	Тўғрилаш коэффициенти
	(N) з.	(N-1) з.	(N-2) з.	Кўрсатилган хизматлар ҳажми ўзгаришининг ўртача геометрик қиймати	жами	шу жумладан: яқин уч ойда фаолияти яхшиланиш истикболига эга бўлганлар		
Жами	115,3	114,1	113,5	114,3	6037	5937	0,98 = 5937 : 6037	1,12 = 114,3 : 100 × 0,98

Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан, қишлоқ жойларида
кўрсатилган хизматларнинг статистик ҳисоби бўйича услубий низомга
4-ИЛОВА

**Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан иқтисодий фаолият турлари бўйича
кўрсатилган хизматларнинг чораклик ҳажмини ҳисоблашнинг шартли намунаси**

млн. сўм

	Ўтган йил учун кичик корхона ва микрофирмалар томонидан иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми, % да	Кичик корхона ва микрофирмалар тўғрисидаги маълумот, (4-кб savolnoma шакли)		Жорий йилнинг ҳисобот чораги учун тўғрилаш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда кичик корхона ва микрофирмалар томонидан кўрсатилган хизматларнинг жами ҳажми
		кичик корхона ва микрофирмаларнинг тўплами бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми	тўғрилаш коэффициенти	
А	1	2	3	5
Жами - хизматлар	100	2 305 828,1	1,12	2 582 527,5
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	1,4			36 155,4
Молиявий хизматлар	3,0			77 475,8
Транспорт хизматлари	12,2			315 068,3
шу жумладан, автотранспорт хизматлари	1,6			41 320,4
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1,5			38 737,9
Савдо хизматлари	38,3			989 108,0
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	2,2			56 815,6
Таълим соҳасидаги хизматлар	0,4			10 330,1
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	1,2			30 990,3
Ижара ва прокат хизматлари	1,2			30 990,3
Компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	15,4			397 709,2
Шахсий хизматлар	2,7			69 728,2
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	0,4			10 330,1
Бошқа хизматлар	20,1			519 088,0

Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан, қишлоқ жойларида кўрсатилган хизматларнинг статистик ҳисоби бўйича услубий низомга 5-ИЛОВА

Юридик мақомга эга бўлмасдан хизмат кўрсатаётган жисмоний шахслар сонини ҳисоблашнинг шартли намунаси (танланма кузатув маълумотларига кўра)

киши

Хизмат тури номи	Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар сони, <i>Liz</i>	Кузатув ўтказилган жисмоний шахслар сони			Рухсатномага эга бўлганларни жами кузатилганлардаги улуши %, <i>Wiz</i>	Жисмоний шахсларнинг ҳисобланган сони	
		Жами	Рухсатномага эга бўлган	Рухсатномага эга бўлмаган		Жами, <i>Lf</i>	шу жумладан, рўйхатдан ўтмаганлар, <i>Lio</i>
A	1	2	3	4	5	6	7
	16573	7356	4821	2535	65,5= 4821/7356*100	25302= 16573/65,5*100	8729= 25302-16573

Юридик мақомга эга бўлмаган жисмоний шахслар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмини ҳисоблашнинг шартли намунаси

Хизмат тури номи	Кузатув маълумотларига асосан ўртача бир ойлик кўрсатилган хизматлар ҳажми, минг сўмда	шу жумладан		Кузатув маълумотларига асосан 1 кишига тўғри келувчи ўртача бир ойлик кўрсатилган хизматлар ҳажми, минг сўмда	шу жумладан		Кузатув маълумотларига асосан жисмоний шахслар томонидан кўрсатилган бир ойлик хизматлар ҳажмини баҳолаш, минг сўмда	шу жумладан	
		Рухсатномага эга бўлган	Рухсатномага эга бўлмаган		Рухсатномага эга бўлган, <i>Viz</i>	Рухсатномага эга бўлмаган, <i>Vio</i>		Рухсатномага эга бўлган, <i>Viz = Vsiz* Liz</i>	Рухсатномага эга бўлмаган, <i>Vio = Vsio*Lio</i>
A	1	2	3	4	5	6	7	8	9
	10181434,3	8190719,4	1990714,9	1384,099 = 10181434,3 / 7356	1698,967 = 8190719,4 / 4821	785,292 = 1990714,9 / 2535	35011794,0 = 28156980,1+ 6854813,9	28156980,1 = 1698,967 *16573	6854813,9 = 785,292* 8729

Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан, қишлоқ
жойларида кўрсатилган хизматларнинг статистик ҳисоби
бўйича услубий низомга
6-ИЛОВА

**Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) хизматлар ҳажм индексларини жорий
ва таққослама нархларда аниқлашнинг шартли намунаси**

Кўрсаткичлар номи	Ҳисоб
V_{on} – ҳисобот даврида кўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд.сўм	23936,7
V_{bn} – базис даврида кўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд.сўм	20417,5
I_{vt} – жорий нархларда хизматлар қиймат ҳажми индекси	$117,2 = \frac{23936,7}{20417,5} * 100$
I –хизматлар бўйича нарх ва тарифлар индекси	104,4
V_{os} – ҳисобот даврдаги хизматларни таққослама нархлардаги ҳажми	$22927,9 = \frac{23936,7}{104,4} * 100$
I_{vs} – таққослама нархларда хизматлар ҳажмини қиймат индекси	$112,3 = \frac{22927,9}{20417,5} * 100$

Ишлаб чиқарилган (кўрсатилган), шу жумладан, қишлоқ
жойларида кўрсатилган хизматларнинг статистик ҳисоби
бўйича услубий низомга
7-ИЛОВА

**Кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажмида устунликка эга хизматлар
РЎЙХАТИ**

1. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари.
2. Молиявий хизматлар.
3. Транспорт хизматлари.
3.1 шу жумладан, автотранспорт хизматлари.
4. Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар.
5. Савдо хизматлари.
6. Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар.
7. Таълим соҳасидаги хизматлар.
8. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар.
9. Ижара ва прокат хизматлари.
10. Компьютер ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар.
11. Шахсий хизматлар.
12. Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар
ва таҳлил соҳасидаги хизматлар.
13. Бошқа хизматлар.